



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРУВЧИ МАЛАКАЛИ МЕНЕЖЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ КЕЛАЖАКДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Абдуллаев Ибадулла Кочкарович

Урганч давлат тиббиёт институти Жамоат саломатлиги ва умумий гигиена кафедраси
мудир, т.ф.д., доцент

e-mail: abdullaevibadulla1955@mail.ru, <https://orcid.org/0009-0008-1296-5228>
tel; +998 99 564 20 61

Аннотация. Бугун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг барча йўналишларида ақл бовар қилмайдиган мисли кўрилмаган инқилобий ўзгаришлар содир бўлаяптики, бу ўз навбатида тизимни дунё андозалари талаби даражасида бошқаришни талаб этмоқда. Ҳар қандай мамлакатда унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва ривожланишининг негизида мазкур тизимни малакали, ихтисослашган тажрибали, ҳар томонлама етук билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган бошқарувчи-менежерлар билан таъминланганлигига бевосита боғлиқ бўлади. Мазкур масалани узил-кесил ҳал қилишнинг ягона йўли, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча тиббиёт олий ўқув юртларида, жумладан нуфузли хусусий тиббиёт институтларида ҳам 4 йиллик ўқиш муддати ва алоҳида махсус ўқув дастурлари билан тиббиётда менежмент факультетларини очиш саналади. Ҳар қандай жамиятда фаолиятлар йўналишлари самарадорлигини малакали кадрлар ҳал қилади, соғлиқни сақлашни бошқариш тизими ҳам бундан мустасно эмас.

Калит сўзлар: соғлиқни сақлаш, соғлиқ, тизим, бошқариш, менежмент, бакалавр, мутахасис, самарадорлик, тайёрлаш, раҳбар, ходимлар.

Аннотация. Сегодня во всех сферах системы здравоохранения Республики Узбекистан происходят беспрецедентные революционные изменения, что в свою очередь требует от управления системой соответствия мировым стандартам. Социально-экономическое развитие и прогресс любой страны напрямую зависят от обеспеченности этой системы квалифицированными, специализированными, опытными и всесторонне развитыми управленцами, обладающими знаниями и интеллектуальным потенциалом. Единственный путь окончательного решения этой проблемы — открытие факультетов медицинского менеджмента со сроком обучения 4 года и отдельных специализированных программ во всех действующих в нашей стране медицинских вузах, включая престижные частные медицинские вузы. В любом обществе эффективность деятельности по различным направлениям определяется наличием квалифицированных кадров, и система управления здравоохранением не является исключением.

Ключевые слова: Здравоохранения, здоровье, система, управление, менеджмент, бакалавр, специалист, эффективность, обучение, руководитель, персонал.

Annotation. Today, unprecedented revolutionary changes are taking place in all areas of the healthcare system of the Republic of Uzbekistan, which in turn requires the management of the system to comply with international standard The socio-economic development and progress of any country directly depend on the provision of this system with qualified, specialized, experienced and comprehensively developed managers with knowledge and intellectual potentials. The only way to finally solve this problem is to open faculties of medical management with a 4-year course of study and separate specialized programs in all medical universities operating in our country, including prestigious private medical universities. In any society, the effectiveness of activities is determined by value orientations, and the healthcare management system is no exception.



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

Key words: Healthcare, health, system, management, bachelor, specialist, efficiency, training, manager, staff.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда кейинги ўн йилликда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги натижаси ўлароқ, соғлиқни сақлаш тизимининг барча йўналишларида ақл бавор қилмайдиган мисли кўрилмаган инқилобий ўзгаришлар содир бўлаяптики, бу ўз навбатида тизимни дунё андозалари талаби даражасида бошқаришни талаб этмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, соғлиқни сақлашни бошқаришда менежмент йўналиши ҳам бу ўзига хос-хусусиятларига эга бўлган ўта нозик ва илмий асосланган, олий ўқув юртларида махсус тайёргарлик ўташни талаб қиладиган мутахассислик саналади. Бугун мамлакатимизда соғлиқни сақлашни бошқариш тизимида фаолият юритаётган раҳбар ходимларнинг аксарияти тиббиётда менежмент факультетида тахсил олган малакали дипломга эга бўлган мутахассислар эмаслиги, уларнинг кўпчилиги соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида махсус тахсил олган, тор мутахассисликга эга бўлган ўз соҳасининг малакали ходимлари саналади. Аксарият ривожланган мамлакатларда халқ-хўжалигининг барча йўналишлари, жумладан тиббиёт соҳасида ҳам, йўналишдаги олий таълим юртларда махсус менежмент ва иқтисодиёт йўналишлари бўйича факультетлар ташкил этилган. Ҳар қандай мамлакатда унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва ривожланишининг негизида мазкур тизимни малакали, ихтисослашган тажрибали, ҳар томонлама етук билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган бошқарувчи-менежерлар билан таъминланганлигига бевосита боғлиқ бўлади. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок бу йўналишни ривожлантиришга, соҳада малакали раҳбарларни тайёрлашга эътибор қаратилиши билан бир қаторда, айниқса тиббиёт тизимида етук, малакали менежерларни тайёрлашда муаммолар мавжуд. Бугун тиббиёт олий ўқув юртлари ичида биттагина Тошкент тиббиёт университетида тиббиёт-менежменти факультети фаолият юритиб келмоқда ва бу факультетни битириб чиққан малакали кадрлар билан бугун мамлакатимизда фаолият кўсатаётган саккиз мингдан ортиқ бошқарув тизимида ишлаётган раҳбар ходимларнинг ўрнини тўлдириш ва тизимни ҳар томонлама соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодиёти, уни молиялаштириш, тизимни самарали режалаштириш, аҳолига кўрсатилаётган замонавий тиббий хизматни рақамлаштириш, янги инвестицияларни тизимга олиб кириш ва амалиётга тадбиқ қилиш каби мураккаб, менежмент соҳасида чуқур билим, малака ва кўникмаларга эга бўлган ходимлар билан таъминлаш масаласи муаммолигича яна кўп вақтларга сақланиб қолиши мумкин.

Мавзунинг асосий мақсади. Мазкур мавзунинг ёритишдан асосий мақсад, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини дунё андозалари талаби даражасида бошқара оладиган, ҳар томонлама чуқур билим ва салоҳиятга эга, давр талабига тўлиқ жавоб берадиган менежер-бакалавр мутахассисларни тайёрлашни янада кенгайтиришни ва такомиллаштиришни назарий ва амалий асослашдан иборат.

Материаллар ва услублар. Деярли ўтган юз йиллар давомида халқ-хўжалигининг ҳамма соҳаларидаги сингари соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш учун ҳам махсус раҳбар мутахассис-менежер бакалаврларни тиббиёт олий ўқув юртларида тайёрланмаганлиги сабабли тизимда тор ихтисосликдаги шифокорларнинг етишмаслиги, нисбатан яхши тайёргарликга эга бўлган тор мутахассис шифокорларнинг раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиб ўз ихтисосликларида ишлаш имкониятларининг бўлмаганлиги, маълум даврдан кейин уларнинг ўзлари эгаллаган ихтисосликларига қайта олмасликлари каби тарихий тажрибаларда тўпланган маълумотларни таҳлил қилишда асосан ёзув-таърифлаш усулларида кенг фойдаланилди.

Натижа ва муҳокамалар. Нафақат бизнинг, балки собиқ Иттифоқнинг деярли барча республикаларида мазкур йўналишда муаммолар бор. Уларни давр талаби даражасида ижобий ҳал қилиш бугуннинг энг кечиктириб бўлмайдиган масалаларидан бири саналади. Бу



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

борада ривожланган чет мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур ва мукамал таҳлил қилиш зарур. Керак бўлса хорижий мамлакатлардан соҳанинг етук мутахассисларини жалб қилиш, мамлакатимиздаги мавжуд фондлар ҳисобидан чет элларда ушбу йўналишда бакалавр, магистратураларни ўқитиш, қолаверса илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш кабиларга сармоялар ажратиш ва ҳозирда мамлакатимизда фаолият кўрсатиб турган ва бўлғуси ёш раҳбар менежерларни ривожланган чет эл университетларида малакаларини ошириш энг долзарб вазифалардан бири саналади. Масалани ижобий ҳал қилишнинг яна бир ҳаракатлантирувчи омилларидан бири мазкур йўналишда таҳсил олаётган бакалавр талабалар ва магистрларнинг чет тилларни, замонавий компьютер дастурларни ўзлаштиришлари зарурлигидир.

Бошқариш яъни менежерлик ҳам бу ўзи бир санъат, аниқроғи ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдиган иш. Бошқарувчи биринчи галда қўл остидагиларни тўғри маънода яхши кўриши, уларни ҳурмат қилиши керак. Бошқарувчидан қолаверса билимли, ақилли бўлиш билан бирга донолик талаб этилади. Унинг энг асосий хусусиятларидан ташкилотчилик, бошқаларга ўз сўзини ўқазга билиш, уларни орқасидан эргаштира олиш, яхши муомала ва муносабат, умуминсоний ҳамда тиббиёт этикаси ва деонтология қонуниятларини, умумий ва тиббиёт психологиясини тушуниб уни амалда қўллай оладиган, барча йўналишлардаги мавжуд ҳуқуқий қонун ва қоидаларни билиши, қийиниш, омма олдида ўзини тута билиш, чиройли, таъсирчан ва жарангдор нутққа эга, меҳрибон ва яқин дўст бўлиш каби хусусиятлари, чет тилларни билиш, компьютер технологияларини, шунингдек иқтисодни, молияни, режалаштириш ва истикболдаги ишларни лойиҳалаштириш қобилиятига эга бўлган ҳамма томонлама юксак қобилиятли инсон бўлиши талаб этилади. Бу каби хусусиятлар фақатгина махсус факультетларни тугатган шахслардагина тўлақонли шаклланиши мумкин бўлади.

Муаммони узил-кесил ҳал қилишнинг ягона йўли, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча тиббиёт олий ўқув юрғларида, жумладан нуфузли хусусий тиббиёт институт, университет ва академияларда ҳам 3 ёки 4 йил ўқиш муддати ва алоҳида махсус ўқув дастурлари билан тиббиётда менежмент факультетларини очиш, қабул имтиҳонларини анъанавий биология, химия, ўзбек тили ва адабиёти фанларидан эмас, балки биология, математика, инглиз тили ва одатдаги кўшимча фанлардан топшириб киришни ташкил қилиш, зарурият бўлса суҳбат усулларини жорий этиш билан амала ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Тиббиётда менежмент факультетларида ўқитиладиган фанлар дастурларини қайта кўриб чиқиб мукамал такомиллаштириш, ривожланган мамлакатлардаги тиббиётда менежмент факультетларининг ўқув дастурларига мослаштириш талаб этилади. Мазкур факультетларда морфологик ва клиник фанларга ажратиладиган ўқув соатларини қисқартириш ҳисобига, кўпроқ чет тилларини, жумладан рус тилини ҳам, компьютер техникаси дастурлари билан боғлиқ бўлган фанлар, иқтисод, тиббиётда иқтисод, молиялаштириш, режалаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини лойиҳалаштириш, ҳуқуқ фанлари, ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ фанлар, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш, соғлиқни сақлашда маркетинг, соғлиқни сақлашда менежментнинг ҳар хил йўналишлари, математика, физика, тиббий техника фанлари, тиббиёт статистикаси, бошқариш, жисмоний тарбия(бутун ўқув йили давомида), педагогика, психология, тиббиёт психологияси, ўзбек тили ва адабиёт, тарих, мантиқ, нутқ маданияти, этика ва деонтология, тиббиёт этикаси ва деонтологияси каби фанларга нисбатан кўпроқ ўқув соатлари ажратилиши керак бўлади.

Масаланинг яна бир муаммоли жиҳати шундаки, мамлакатимизда фаолият юритаётган саккиз мингдан ортиқ раҳбарлик лавозимидаги шифокорларнинг деярли барчаси тиббиётнинг тор бир соҳа йўналиши бўйича етук мутахассис, уларнинг аксарияти бугун ўз мутахассислигидан узоқлашган, ҳатто айримлари энди ҳеч қачон ўз мутахассислигига қайта



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasini mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

олмайдилар. Яна муаммоли бир жиҳати уларда соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш бўйича бакалаврлик ёки магистрлик дипломи ҳам йўқ, бошқариш-менежерлик соҳасига уларни ҳеч қим ўқитмаган, фақат малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсидан ўтган. Барча тизимлардаги каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам фаолият самарадорлигининг ягона мезони, ҳар бир йўналиш бўйича соҳа ходими махсус малака йўналиши бўйича бакалавр ва магистрлик маълумотга эга бўлишини таъминланиш саналади. Ҳар қандай жамиятда фаолиятлар йўналишлари самарадорлигини малакали кадрлар ҳал қилади, соғлиқни сақлашни бошқариш тизими ҳам бундан мустасно эмас. агар мамлакатимизда бугун тизимда саккиз мингдан ошиқ (айрим маълумотларда 8500 та) малакали, ҳар хил йўналишдаги тор мутахассисларга эга бўлган шифокорлар озод этилган раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган бўлсалар, мос равишда шунча тор мутахассислар соҳада етишмаслиги мумкин. Бу деган, узок йиллар давомида бакалаврликда, клиник ординатура ва магистратура йўналишларида захматли меҳнатлар эвазига махсус тайёрланган тор ихтисосликка эга бўлган мутахассислар ўз соҳаларида фаолият юритишларига имкониятнинг чегараланиши деган тушунчага олиб келади. Сабаби бугунги соғлиқни сақлаш тизимида кенг ислохотлар амалга ошириляётган бир пайтда фаолият юритаётган раҳбарларга қўйиладиган талаблар жуда мураккаб, кенг қамровли ва хилма-хил. Уларнинг кўп вақти раҳбарликдаги ташкилий масалалар, мажлислар, учрашувлар ва сафарларда кечишини инобатга олинса, касбий мутахассисликлари бўйича беморлар билан ишлашларига деярли вақт қолмайди. Демак тизимда тажрибали ва билимли тор мутахассисларнинг етишмаслиги ҳолатлари давом этиш хавфи давом қилаверади.

Хулосалар

1. Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва унинг ривожланиши негизида мазкур тизимни малакали, ихтисослашган тажрибали, ҳар томонлама етук билим ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган бошқарувчи-менежерлар билан таъминланганлигига бевосита боғлиқ бўлади.

2. Бугун мамлакатимизда юқори малакали, ихтисослашган, махсус тиббиётда менежмент факультетларини тамомлаб, соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш, иқтисодий, молиявий, халқоро масалаларни чуқур тушунадиган, чет тилларини ва ахборот ва компютер тизимини мукамал билладиган махсус менежер раҳбар ходимларга бўлган талаб ҳар қачонгиданда юқори.

3. Юзага келган муаммони ижобий ҳал қилишнинг ягона йўли, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тиббиёт олий ўқув юртларида тиббиётда менежмент факультетларини очиб, малакали раҳбар менежерларни тайёрлашни йўлга қўйиш саналади.

3. Агар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини махсус менежерлик факультетларни тамомлаган раҳбарлар билан таъминланса юзлаб, минглаб шифокор мутахассислар (Республикада 8000 да ортиқ) ўзлари узок йиллар давомида эгаллаган соҳаларида фаолият кўрсатишларига кенг имкониятлар яратилади ва аҳолига ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги янада яхшиланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.12.2018 йил №ПҚ-5590 «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ривожлантириш комплекс чоралари тўрисида»ги Қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида Фармони.